

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида колади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга киргандан бошлаб хақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланганхажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўймаган муддатда қўшимча тўлов тўлашидан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегипили тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳак тўлани асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлани асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Бюорога мурожаат килгандар тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўгрисидаги хисботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичидаги тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан маҳсус ластурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон ракамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(ACOS: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварак-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўгрисида”ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага З-иловага мувофик, электр тармоқларишининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади

Бунда, 750 кВА ва undan юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмийнинг тегишли шайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради)

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоти орқали ҳулудий электр тармоқлари корхонасининг электр